

### **БОШ МУҲАРРИР**

Шавкат Шарипов –  
педагогика ф. д., профессор

### **БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ**

Усмонжон Қосимов – фил. ф. д.  
Ғайрат Қодиров – биология ф. н., доц

### **МАСЪУЛ КОТИБ**

Фаррух Ақчаев – тарих  
ф. б. ф. д., (PhD)

### **ТАРЖИМОНЛАР:**

Намоз Каримов,  
Элдар Ҳасанов  
(рус тили)

Камолиддин Нормуродов  
(инглиз тили)

### **САҲИФАЛОВЧИЛАР**

Гулжахан Кадирова  
Адолат Ускинбоева

### **НАВБАТЧИ МУҲАРРИР:**

Феруза Жумаева – филология  
ф. б. ф. д., (PhD)

**Журнал андозаси Ахборот  
технологиялари марказида  
Расулжон Мелиқузиёв  
томонидан тайёрланди**

**Муассис** - Жиззах давлат  
педагогика институти

Журнал йилда 4 мартаба  
(ҳар чорақда) чоп этилади.

Матнларда фойдаланилган кўчирма  
ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда  
манба қайд этилиши шарт

### **ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ**

Анатолий Сагдуллаев – тарих ф. д., академик  
Комилжон Тожибоев – биология ф. д., академик  
Жак Миклович – INSHEA университети профессори (Франция)  
Василий Кочурко – Баранович ДУ профессори, техника ф. д.  
(Белоруссия)

Гулсем Лекерова – психология ф.д., профессор (Жануб.  
Қозоғистон)

Фурқат Жўрақулов – сиёсий ф. д., доцент

Ботир Тўхтамишев – техника ф.н., доцент

Сарвар Назарқосимов – социология ф. б. ф. д.

Бахтиёр Тўраев – фалсафа ф.д., профессор

Холбўта Турақулов-техника ф.д., профессор

Бахти Очилова - фалсафа ф.д., профессор

Қозоқбой Йўлдошев – педагогика ф. д., профессор

Умрзоқ Жуманазаров – филология ф. д., профессор

Абдуғафур Маматов - филология ф. д., профессор

Раҳматулла Бекмирзаев – физика-математика ф. д., профессор

Ойбек Ахмедов – филология ф.д., профессор ЎзДЖТУ

Фания Ахмедшина – тарих ф. д., профессор

Ҳамид Мелиев – педагогика ф. н., профессор

Худойберган Мавлонов – биология ф. д., доцент

Қўчқор Ҳакимов – география ф. н., профессор в.б.

Исламов Илём – тарих ф. д., доцент

Рустам Абдурасулов – психология ф. д., доцент

Зухра Яхшиева – кимё ф. д., доцент

Мухторқул Пардаев - тарих ф. н., доцент

Раббим Юсупов – техника ф. н., доцент

Олег Ким – филология ф. н., доцент

Камолиддин Зойиров – педагогика ф.н., доцент

Абдували Шамсиев – иқтисод ф. н., доцент

Суннатулло Соипов – филология ф. н.

Юлдуз Каримова – филология ф. н., доцент.

Омон Исаров – филология ф. н., доцент.

Шерали Абдураимов – педагогика ф. б. ф. д., доцент

Фурқат Ахмедов - педагогика ф.н., доцент

Тўйчи Ахмедов – тарих ф.б.ф.д.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018-йил 29-декабрдаги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан нашрлар рўйхатига киритилган.

**Журнал Жиззах вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасидан 2020-йил 25-апрелда 06-042 рақам билан қайта рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ИССН рақами: 2181- 6131**

МАНЗИЛ: 130100, Жиззах шаҳри,  
Ш. Рашидов кўчаси, 4-уй, бош бино  
ТЕЛЕФОН: (99872) 226 02 93,  
(99897) 644 84 44  
ФАКС: (99872) 226 46 56

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
МАТБАА БЎЛИМИ**

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-уй  
2021-йил 25- март куни босмаҳонага топширилди.

Қоғоз бичими А4 Буюртма: \_\_\_\_\_  
Нашр адади: 100

# MUNDARIJA

## ТАҚВИМ:

У.А.Жуманазаров, А.Эргашев. Алишер Навоий ҳақидаги янги дoston .....	3
З.У.Мамадалиева. Алишер Навоий маърифатини англаш йўлида .....	6
Ш.Н.Амонов. Аҳмад Табибийнинг Алишер Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари .....	8

## ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

T.Kavilova. The meanings of foreign languages in the professional activity of future specialists .....	12
У.У. Жуманазаров. Рақамли таълимнинг структураси ва моделлари .....	15
А.Қ.Каримов, З.Мардонов. Рангларнинг мактабгача ёшдаги бола психологиясига таъсири .....	19
Х.С.Акрамова, А.Ж.Тажимуратов. Nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarning xotirasini kuchaytirish asoslari .....	21
L.T.To'raqulov. Mehribonlik uyi o'smirlarining ijtimoiylashuvi xususidagi muammolar .....	23
D.E.Tangirova, M.B.Olloqulov. Aqli zaif bolalarning bilish faoliyatini o'rganishning psixologik omillari .....	25

## АМАЛИЙ ФАНЛАР

М.С.Олимов. Қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг функционал тайёргарлигининг тузилиши .....	27
Б.А.Султонов. Спортчининг ривожланишига мақсадли таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	30
Б.Б.Мусаев, С.Нурмаматова. Комплекс поводящих упражнений в обучении основам ходьбе в фигурном катании .....	33
А.Маҳамматов, А.Жумаев. Мусиқий таълим ва тарбияда замонавийлик .....	36

## ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

М.Ҳошимхонов. Машраб ва Иброҳим Адҳам .....	38
А.И.Саиткосимов, С.И.Назарқосимов, Ж.Исахонов. Социальные механизмы обеспечения благополучия общества и человека .....	41
М.В.Ахметжанова. Бадиий-эстетик ижоднинг методологик масалалари .....	44
З.Бозорбоева. «Оммавий маданият» таҳдиди ва унга қарши курашнинг маънавий асослари .....	46
А.Р.Самадов. Идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг фалсафий қадриятлар тизимидаги ўрни .....	49
Т.М.Бурханов. Ёшларнинг маънавий салоҳиятни юксалтириш масалалари .....	54
Г.Н.Наврўзова. Абдурахмон Жомий ижодида Баҳоуддин Нақшбандга хос сифатларнинг тавсифланиши .....	57
Ф.Ш.Ақчаев, Ж.Қовулов. Жиззах воҳасида дарахларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар .....	60
С.Кистаубоев., А.Аманлаев. “Экологик дунёқараш” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлили .....	63
Х.У.Саматов. Хожа Юсуф ҳамадоний таълимотида халқ билан мулоқот қилиш масаласи .....	65
С.Исмоилов. Нақшбандия тариқатининг диний-фалсафий илдилари .....	68

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Т.Жумаев. Лисоний реликт тарихий қолдиқ сифатида .....	71
А.Тилавов. Эпос ва этнос муштараклиги .....	73
Х.Холмуродов. Farhod obrazining “Badoyi’ ul-bidoaya” devonidagi tavsifi .....	76
Х.Б.Тожиева. Турди ижодида ўзбек уруғларининг бадиий таснифи .....	79
Ф.Жумаева. Қўшма сўзларнинг семантик қурилиши .....	81
Г.А.Холбоева. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги .....	84
К.А.Абдуллаев. “Барҳаёт-Бобур” мавзусидаги адабий кечани ўтказишда ўқитувчилар ҳамкорлиги .....	87
Ш.Х.Джаббаров. Вақт концептосферасига лингвофалсафий ёндашув (Ўзбек ва инглиз тили мисолида) .....	90
Ш.А.Шералиева. Диний фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари .....	93
М.Сайфуллаев. “Ал-изоҳ” журналининг Туркистон адабий муҳтидаги ўрни .....	95

## ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАР

А.Алишев, Ж.Муртозаев, А.Алишев. Кичик параметрга боғлиқ бўлган юқори татибли чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасининг асимптотик ечимлари .....	97
Б.Ботиров, А.Усмонов. Миллий услуб ва замонавий инновациялар уйғунлигига асосланган туризм хизматларини ташкил этиш .....	101
Ш.Р.Бобобеков. Des шифрлаш алгоритмини ўқитиш усуллари .....	104
М.М.Жаббаров. Табиий фанларни ўқитишда steam ёндашув .....	108
П.М.Жалолова. Атом физикасига оид моделлаштирилган ишланмаларни яратиш ва тақдим қилиш методикаси .....	110
О.Каримова. Fizikani o'qitishda didaktik o'yinlarning ahamiyati .....	113
Э.Н.Худайбердиев., К.Р.Насриддинов., Л.Қ.Самандаров. Физикани ўқитишда тарихий – биографик тамойилларнинг аҳамияти .....	115

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

В.М. Yalgashev. Some aspects of the marriage ceremonies of samarkand region .....	118
Ф.З.Тилыева. Ёшларнинг эстетик тарбиясини китобхонлик воситасида ривожлантириш .....	120
Р.М.Соатов. Машраб шеърлятида тасаввуф талқини .....	123
М.Жўраев, М.Хидирова. Истиқлол даври адабиётшунослигидаги етакчи тамойиллар .....	125
Д.А.Қурбонова. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг бағрикенглик компетенциясини шакллантириш омиллари .....	129
Ж.Р.Туробов. Инглиз тилини ўқитишда темир йўл соҳасига оид атамаларни ўргатиш усуллари .....	132
Z.M.Khayatova. A reflection of social-cultural life in literature .....	136
Р.Н.Эргашев. Эстетик маданият – шахс камолотининг омили .....	139
О.Р.Анарбаев. Параллел матнлар корпуси ҳозирги кун таржимонининг замонавий иш қуроли сифатида .....	142
J.Holiqulov. “Tavorix ul-xavonin” asarida turli lavozimlarni anglatuvchi terminlarning ishlatilishi .....	146

## ЭПОС ВА ЭТНОС МУШТАРАКЛИГИ

Абдумурод Тилавов – ф.ф.н., Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

**Аннотация:** Достонларда муҳим ўрин эгаллаган от образининг тарихий асосларига оид маълумотлардан хабардор бўлиш бу образ таҳлил ва талқинининг тўлақонли чиқишига ёрдам беради. Мақолада аждодларимиз тарихи ва эпос ўртасидаги боғлиқлик борасида сўз юритилади.

**Аннотация:** Информированность об исторических основах образа коня, сыгравшего важную роль в былинах, поможет в полной мере проанализировать и интерпретировать этот образ. В статье рассматривается связь истории наших предков с эпосом.

**Abstract:** Awareness of the historical foundations of the image of the "horse", which plays an important role in the epics, will help to fully analyze and interpret this image. The article discusses the connection between the history of our ancestors and the epic.

**Калит сўзлар:** эпик от, мифология, туркий қавм, Гўрўгли, этимология, кўчманчи маданият, тарих, достон.

**Ключевые слова:** былинный конь, мифология, турки, Гургули, этимология, кочевая культура, история, эпос.

**Keywords:** "horse" in the epic work, mythology, Turkic people, Gorogli, etymology, nomadic culture, history, epic.

Отнинг ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Айниқса, от асосий улов воситаси бўлган ўтган асрларда унинг баҳоси яна ортган. Отнинг Ўзбекистон тупроғида жуда қадим замонлардан қўлга ургатилиб, ундан кенг фойдаланганини археологик ва этнографик адабиётлар тасдиқлайди. Ўзбек халқининг от билан боғлиқ эътиқодий, ҳаётий ва бадиий-эстетик қарашларини халқ достонларида кенг куйланган от образи янада мукамалроқ тасаввур этиш имконини яратади.

“Достонларда от жуда муҳим ўрин эгаллайди. У қахрамоннинг муваффақиятга эришуви йўлида хизмат қилиб, ғоят мушкул вазифаларни бажаради, қахрамонга катта ёрдам беради. Қахрамон отга эга бўлганлиги туфайли истагига эришади. Шу нарса характерлики, эпик от қатнашмаган биронта қахрамонлик достонини топиш қийин. От қахрамоннинг сафари ва курашларида доимий йўлдоши, ишончли қўлдоши ва яқин дўстидир”<sup>1</sup>

Ўзбек халқ достонларида эпик от образининг ўта мукамал даражада ишланганлиги ўз вақтида фольклоршунослар томонидан қайд этилган ва бу Урта Осиёнинг табиий шароити, бу ерда яшаган халқларнинг ҳаёти, тарихи билан боғлиқ деб тўғри кўрсатилган. Чиндан ҳам бизнинг халқимиз ҳужалиги, турмушида отнинг ўрни, хизмати каттадир. Айни пайтда отга бўлган эътиқод уни тотем сифатида қадрлаш, алоҳида сифат ва фазилатга эга отларни ғайритабиий шажарага эгалиги ҳақидаги қарашлар ҳам эпик от образининг мукамал ишланишида муҳим ўрин эгаллаган. Профессор Ҳоди Зариф ўзининг машҳур “Жанговар от образининг қадимий асосларига доир” мақоласида ҳақли кўрсатиб ўтганидек, “достон ва эртақларда эпик отларнинг табиий отлардан фарқ қиладиган алоҳида хусусиятлари ҳам бор. Бундай хусусиятлар, бир томондан, табиий насли отларда мавжуд сифат ва характерларни бўрттириб, бадиий бўёқлар

билан беаб кўрсатса, иккинчи томондан, мифларда мавжуд хусусиятлар билан безалган ҳолда намоён бўлади, учинчидан, уларда тотемизм элементлари ҳам учраб туради”<sup>2</sup>

Кўриниб турибдики, халқ достонларида тасвирланган жанговар отларга хос хусусиятлар сифатида уларнинг табиий отлар орасидаги энг мукаммали, айни пайтда мифологик ва тотемистик эътиқодий тасаввурларда ифодаланган от хусусиятларига ҳам эга эканлигида кўринмоқда. Шу жиҳатдан достонлардаги жанговар отлар чинакам тулпор бўлишлари учун бевосита ёки билвосита сув отлари ҳамда самовий отларга боғлиқ бўлишлиги шарт деб анланган.

Туркий халқлар тарихий обидаларида, отнинг муқаддас ҳайвон сифатида тан олинишини тасдиқловчи далилий маълумотлар, удумлар бизгача етиб келган. Бу маълумотларни алоҳида-алоҳида қайд этиш, уларда халқ ишончларининг қайси жиҳати намоён бўлишини ўрганиш, географик нуқтайи назардан тарқалишини кузатишсиз от образи тарихий илдизларини таҳлил этиш мумкин эмас. Бинобарин, шунинг учун ҳам ушбу бобда от билан боғлиқ ёдгорликлар юзасидан тўпланган фикрларни, ашёвий далилларни қайд этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Туркий халқлар тарихини отсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунончи, ота-боболаримиз илоҳий мўъжиза саналмиш бу ҳайвоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини биринчилардан бўлиб жуда яхши билган ва уни ардоқлаш, тарбиялаш, ундан фойдаланиш борасида бошқа кўплаб халқларга ўрнатилган халқдир. Бу хусусият нафақат бизнинг тарихчиларимиз, балки ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Масалан, У.В.Шмидт бу борада олиб борган тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосага келади: “Урта Осиёда ерлашиб олган ва ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишни бошлаган илк қавм туркий қавм бўлган. От биринчи марта туркийлар томонидан

1 Зарифов Ҳ.Т. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар отнинг қадимий асосларига доир // Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар.

4-китоб Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 65.

2 Зарифов Ҳ. Кўрсатилган манба. – Б, 69.

қўлга ўргатилган ва улар отга минган биринчи инсонлар эдилар”.<sup>3</sup> Аждодларимиз отни дунёга танитган, бу билан инсоният тарихида муҳим бурилиш ва ўзгариш ясаган миллатдир. Тарихчилар “отли чўпон” ёки “кўчманчи отли маданият” деб аталувчи маданиятнинг ўртага чиқишини ва отнинг қўлга ўргатилишини бевосита қадимги туркий халқларга боғлаш мумкинлигини, инсоният тарихида эришилган бу муваффақият бошқа қавмлар ва маданиятларнинг ривожланишида катта таъсир кўрсатганлигини қайд этишади. В.Эберхард хитойликлар отга миниш санъатини фақатгина милоддан аввалги 300 йилларда Осиё хунларидан ўрганганлигини айтади.<sup>4</sup>

IV-VI аср ғарб манбалари (А.Маржеллинос, Ш.Гладианус, А.Сидониус, Зосимос)га кўра, “Эндигина оёққа турган хун боласининг ёнида эгарланган от тайёр турарди... Хунлар от устида ейишар, ичишар, савдо-сотик қилишар, сухбатлашар ва ухлашар эди. От ва бошқа қавмларни фақатгина устида олиб юрар, лекин хунлар отнинг устида ҳаёт кечиришарди”.<sup>5</sup>

“Гўрўглининг туғилиши” достонида гўрда туғилган чақалоқнинг жинсини аниқлаш учун эгардан фойдаланилади. “Синаб билайин, шу бола ўғилмикин, қизмикин”, деб эгар билан уч ошиқни бир ёққа қўйди. Икки қўғирчоқ билан рўмолни гўрнинг бир ёғига қўйди. Пойлаб ётди. Гўрўгли... эгарни миниб, “чув-ҳа, чув-ҳа, от қуй, қайтма, бохабар бўлинглар”, – деб эгарни аста-аста қимирлатиб, гўрдан анча узоклаб кетди”.<sup>6</sup>

От ота-боболаримизнинг тўйида ҳам, азасида ҳам бирга бўлган. Келинни чиройли қилиб безатилган отда олиб келиш, от ҳадя қилиш одати ҳали ҳануз йўқолгани йўқ. Жаноза маросимида бир отни думи кесилган ё боғланган ҳолатда олиб келиниши, ҳатто жангчи ўлса, уни эгар-жабдуқли оти билан бирга кўмиш удуми аждодларимиз ўтмишида мавжуд бўлган. Бинобарин, Бўзқир-турк қавмларига оид қабристонлардан, Осиё-Хун императорлигига оид қўрғонлардан, Урта Осиёда олиб борилган қазилма ишлари давомида жуда кўп от суюқларининг топилиши ҳам бежиз эмас. Умуман, от бошқа ҳайвонлардан эгасига содиқлиги, ақллилиги ва ниҳоят, ўзининг ноёб хислатлари билан ажралиб туради. Масалан, от кўз қорачиғининг нақадар қимматли эканлигини уста хаттотларгина билишади. Гап шундаки, отнинг кўз қорачиғи солиб тайёрланган бўёқ билан ёзилган ёзув ялтироқлиги, кўримлилиги ва нафислиги билан ажралиб туради. Бундай ёзув узок муддат аслини йўқотмайди. Умар Ҳайём “Наврўзнама”сида ёзади: “Айтадиларки, тўрт оёқлилар ичида отдан яхшиси йўқ, у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир. Расул алайҳиссалом: “Ҳайр йилқининг пешонасига ёзилган”, деганлар. Кайхусрав:

“Менинг подшоҳлигимда отдан қимматлироқ нарса йўқ”. Наср бин Сайёр “От жанг тахти ва қуролининг гулидир”, – деган”.<sup>7</sup>

Қадимдан Урта Осиё энг кўп от етиштирилган ҳудуд бўлган. 1246 йили Урта Осиёни кезиб чиққан сайёҳ Плано Гарпини қуйидагиларни эътироф этади: “Ҳайвонларнинг куплиги жиҳатидан улар (Урта Осиёда яшаган халқлар. – А.Т.) ниҳоятда бой инсонлардир; туя, сигир ва эчкилари бор. Отларга келсак, шу қадар кўпки, дунёнинг қолган қисмида шунчалар от бўлмаса керак”.<sup>8</sup> Милоддан олдинги 49 йилда бир хун оиласининг ўн минг бош ҳайвони ва етти минг оти, милодий 83 йилда бошқа бир оиланинг юз ўн мингга қўй ва сигирларига муқобил йигирма минг оти бўлган. Кўк турклар ва бекларнинг йилқилари эса, ҳадсиз-ҳисобсиз эди, дея қайд этилади тарихий манбаларда.<sup>9</sup> Бу отлар сонларининг кўплиги билангина эмас, асосан, наслдорлиги, тез югуриши ва чидамлилиги билан ҳам машҳур бўлган. Чунончи, от аждодларимизнинг иқтисодини таъминловчи асосий тижорат моли ҳам ҳисобланган. Улар қўшни давлатларга, чет элларга от етказиб туришган. Хорижда тарқалган Урта Осиё насли отлар туркийларнинг шуҳратини дунёга танитган. 1800 йилда Хивага келган бир рус сайёҳи ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади: “Хивадалиқ давримда менга у ердаги арғумоқлар жуда ҳам ёқиб қолган эди. Уларнинг асосий емишлари жўхори бўлиб, нисбатан камтомоқ ва тўрт кунлик йўлни озиқланмасдан босишлари мумкин. Улар фақат миншига мослашган бўшлиб, бўйи баста катта отдай, ингичка, тик қоматли, ияқдор, енгил... Бир пуд жўхори арғумоқнинг ўн кунлик емиши бўлиб, унинг баҳоси 70 тийин. Арғумоқларни Хивага туркманлар етказиб туришади ва уларни фақат туркман эгарлари билан минадилар. Қирғиз ва бизнинг казак эгарлари тўғри келмайди. Арғумоқ тез югурганда худди қуёнга ўхшаб бор гавдаси билан чузилади. Ва бизнинг энг чопағон рус отларидан икки марта тез югуради; улар ювош ва ақлли бўлиб, дарёлардан дадил сузиб ўтадилар, вафодор ва уюрларда қўлга тез ўрганадилар. Бу ерларда бир арғумоқ учун юз сўм ва ундан ҳам ортиқ ҳақ тўлайдилар”.<sup>10</sup>

Маълумки, бизнинг туркий халқлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг азалий, нодир санъати, ҳунари, анъаналарини сақлаб қолишга интилган ва кўпинча бунга эришган ҳам. Жумладан, аждодларимиз от тарбиялаш санъати яловини ҳеч қачон қўлидан туширган эмас. Аббосий халифаларидан Муътасим, Восиқ ва Мутаваккил замонларида (840-860) араб давлати идорасидаги турк қўшинларининг сони ҳам кўпчиликини ташкил этарди. Халифалар айна пайтда отларни тарбиялаш ишини туркларга топшириб қўйишган. Ота-боболаримиз Ислом динини қабул қилгандан

3 Иброҳим Кафесўғли. Турк миллий маданияти. – Истанбул: Бўғоз нашриёти, 1988. – Б. 102.

4 Хитой манбаларига кўра Урта Осиёда от жинслари. – Анқара. “Улук” журнали, 1975. – № 2.

5 Қаранг: Древние авторы о Средней Азии. – Ташкент, 1940. – С. 75.

6 Гўрўглининг туғилиши. Айтувчи: Пўлкан шоир. – Тошкент, 1967. – Б. 54.

7 Умар Ҳайём. Наврўзнама. – Тошкент, 1989. – Б. 18.

8 Кафесўғли И. Турк миллий маданияти. – Истанбул, 1988. – Б. 40.

9 Кафесўғли И. Кўрсатилган манба. – Б. 48.

10 Поездка торговца Абрашимова в Хиву. – Санкт-Петербург, 1860. – С. 96. Уша пайтда бир қўй учун беш сўм тўлашган. – А.Т.

кейин ўзлари от миниш, тарбиялаш санъатини ҳам Яқин Шарққа олиб кирдилар. Бу даврда “Аспи турк” (Турк оти) жуда машҳур бўлган. Муаррих Усмон Турон “турк от маданияти” билан бирга иғдиғ (бичиш), ялғиз (қоратўриқ), улоқ, ём, ёмби, йилқи каби сўзларнинг араб ва форс тилларига ўтганлигини қайд этади.<sup>11</sup> Шу уринда отнинг бизнинг луғат бойлигимизга ҳам катта “ҳисса қўшганлигини” алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, тилимизда от билан боғлиқ кўплаб сўзлар мавжуд. Уларнинг маъноси фақат айрим гуруҳ орасидагина маълум. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида отга алоқадор юздан ошиқ сўзларнинг изоҳини беради.

Шу ўринда “от” сўзининг этимологияси ҳақида. “От сўзи” баъзи мўғулшунос олимлар томонидан мўғулча дея айтилади ва бу фикр анча эътирозларга йўл очди.

Иброҳим Кафесўғли “Ўрхун ёдномалари”да Култегин минган отлар номлари билан берилганлиги ва ўша пайтлардан бери тилимизда “ОТ” деб айтиб келаётганимиз сўзнинг асли Осиё хунларининг қўлга ўргатилган ҳайвон жинсидан баҳс этган; милоддан аввалги Хитой манбаси “Shichti”да айтиб ўтилган “khit-ti” ёки “Khiai-thi” бўлиши ва бу манба х у н ч а (таъкид биздан – А.Т.) бўлиб, “ҳамиша катта бир куч билан сапчишга, отилишга хоҳишли” (full of mettle with a great power leaping) деган маънони англатишини айтади. Тарихчи олим ўз фикрини қуйидагича асослашга ҳаракат қилади: “Туркчада “от” сўзидан ясалувчи отим (atim), ҳатламоқ (atlamak), отмоқ (atmak) ва бошқа сўзларда айни маъно ҳозиргача сақланиб қолган. “От” сўзининг мўғулча “akhta” (акхта) сўзи билан алоқаси йўқ...”

Олимнинг фикрлари мантиқан тўғри ва воқеликдан узоқ эмас, бизнингча. Чунки, от (ҳайвон – А.Т.) кўпинча сапчишга, отилишга шай ҳолатда кўринади. Отларнинг бу ҳолати, айниқса, дostonларда зўр бадиий маҳорат билан тасвирланган; “юлдузни кўзлаган”, “кўкка қараб интилган”, “учишга шай қуш” дея таърифланиши отлардаги ўша табиий хусусиятларни намоён этади. Қолаверса, ўзбек тилидаги “отмоқ”, “отилмоқ”, “ҳатламоқ” сўзларида ҳам юқоридаги маъно сақланган.

“Yont” – “йунт” сўзи ҳам қадимги туркчада бир от жинси ва от сурувларини ифода этган сўздир. Бу сўз Онадўлида жой номларига нисбатан қўлланилганда йунт” шаклини олган. Ўғиз қабилаларидан бирининг номи “Ала йунтлығ” бўлган. М.Кошғарийда бу ном бироз ўзгарган шаклда, яъни “Ула-йундлуғ” тарзда келади. Тадқиқотчи Б.Ўгал девонда бу номнинг янглиш ёзилганлигини айтади. “Кошғарий даврида, – дейди олим, – бу сўзнинг “Ала йундлуғ / Ала йунтлуғ” шаклда қўлланилганига

ҳеч шубҳа йўқ”.<sup>12</sup>Бизнингча, Б.Ўгалнинг бу мулоҳазаси бир мунча изоҳталабдир.

Кўк турк ва уйғурлардаги “ўн икки ҳайвонли” турк тақвимида бир йилнинг “от” маъносидаги “йўнд” бўлиши характерлидир. Бундан ташқари, Онадўлидаги бир неча жой номларида ҳам айни маънони ифодалаган сўзнинг сақлаб қолинганига гувоҳ бўлдик: Йўнд тоғи (Кония), “Йўнд қишлоғи” (Эдирна).

Маълумки, тилимизда от сурувиға нисбатан “йилқи” сўзи қўлланилади. Дostonларимизда ҳам бу сўз ана шу маънода келади:

*Йилқи ичинда ўзи келган синлидир,  
Тўбишқон туёқли, марол беллидир.*

(“Алпомиш”дostonидан)

Радлов “йилқи” сўзинингаслмаъносининг “жонли ҳайвон” эканлигини қайд этади. Кўк турк ёзув ёдномаларида ҳам йилқининг, умуман ҳайвонлар учун ишлатилганлигини кўраимиз. Баъзан “тўрт адақлиқ – йилқим” дейиш билан сурувнинг ҳайвон бўлганлиги айтмоқчи бўлинган. Қадимги туркийлар ўз мулки ҳисобланган ҳайвонларга тамға уришган. Шу сабабдан бўлса керак, Кўк турк ёдномаларида “тамғалиқ йилқи” ифодасини учратамиз. “Дада Кўрқут китоби”да ҳам “йилқи” сўзи фақатгина от суруви учун қўлланилган: “... юриб-юриб кофирнинг йилқисига дуч келди. Бир от топсам тутиб минайин, – деди”.

“Отли кўчманчилик маданияти”, жумладан, кўпинча от устида юриш, доимий ҳаракат от эти ва сутини истеъмол қилиш, Урта Осиё аҳолисининг соғлиғига ҳам ижобий таъсир этган. Утган асрнинг ўрталарида бу “отли кўчманчи”ларнинг орасида кезган В.Радлов, афюннинг уларга деярли зарар кўрсатмаслигини кўриб ҳайратга тушган. “Афюн чеккан хитойликлар ўша заҳоти турган жойида чўкиб ўларкан, кўчманчиларда афюндан ўлган киши йўқ эди”, дейди олим.<sup>13</sup> От ажодларимиз тарихида фақатгина оддий улов эмас, энг яхши жанг қуроли ҳам эди. От туфайли турк хоқонлари ҳудудларини кенгайтirdилар, зафарларга эришдилар. Зеро, азалдан ажодларимизнинг сиёсий ташкилоти ва қушун қобилияти бошқа қавмлардан устун эди. Чунки улар биринчи бўлиб отдан муҳораба (жанг) воситаси ўлароқ фойдаландилар ва ҳатто жаҳон ҳокимияти даъвосида бўлдилар. От устида жанг қилиш, “чавандоз қиёфати” деб ном олган кийимлар ҳам ажодларимизнинг ижодидир. Тарихий манбалар Урта Осиё аёлларининг отда жанг қилиш санъатини яхши эгаллаганликларидан хабар бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек эпосидаги воқеаларнинг аксарияти этноснинг тарихи, маданияти ва дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ.

11 Туркий халқлар мафқураси. – Тошкент, 1997. – Б. 92.

12 Ўгал Б. Турк мифологияси. 1-жилд. – Б. 347-348.

13 Проф. д-р Баҳоуддин Ўгал. Турк маданияти тарихига кириш. 1-жилд. – Анқара, 1991. – 71.